

Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Бог'от тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси  
Хоразм вилояти  
Бог'от тумани  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ

220200 Бог'от шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 485и

Бог'от шаҳарчаси

Нусха № \_\_\_\_\_

Мархум Курёзов Йўлдошнинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Бог'от тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Курёзов Кузибой Юлдашевичнинг мархум отаси Курёзов Йўлдошнинг “Гулшан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 27 февралдаги ХО-Қ-631-сонли аризасини, “Гулшан” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Бог'от туман филиалининг 2020 йил 29 февралдаги 986-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р                      Қ И Л А М А Н:**

1. Бог'от тумани “Гулшан” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 135,60 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 120,73 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 256,33 квадрат метр, қурилиш ости майдони 325,20 квадрат метр, умумий ер майдони 1264,64 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Курёзов Йўлдошга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Мархум Курёзов Йўлдошнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Мархум Қурёзов Йўлдошнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**О.Холбоев**

**Боғот тумани ҳокими**

**О.Холбоев**